O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Shu aziz Vatan — barchamizniki*

# O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

• 2005-yil • 28-may • Shanba • 65 (27.400) • uzbovozi@sarkor.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

# ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25-27 май кунлари давлат ташрифи билан Хитой Халқ Республикасида бўлди**

Хитойнинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эканлиги, халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда унинг нуқтаи назари ва қарашларига алоҳида эътибор берилиши, ҳарбий салоҳияти, коинотни тадқиқ этишдаги ютуқлари, шунингдек, ялпи ички маҳсулот, ташқи савдо ва экспорт ҳажми жиҳатидан етакчи ўнликка кириши, иқтисодий ўсиш борасида олдинги ўринларда туриши Чин юртининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сиёсат майдонидаги ўрни ҳақида муайян тасаввур беради. «Осиё аждарлари»нинг аксариятини анча ташвишга солган 1997 йилги Жануби-шарқий Осиё иқтисодий бўҳрони Хитойга жиддий таъсир кўрсатмагани ҳам унинг нечоғли қудратли ва салоҳияти баланд эканлигидан далолатдир.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк ипак йўлининг ўтмишидек неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бу алоқалар ҳозир замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки мамлакат раҳбариятининг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига қарашлари ўхшаш, халқаро ва минтақавий муаммоларга доир нуқтаи назари яқин эканлиги, Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасидаги дўстлик муносабатлари қарор топгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлат раҳбарлари, вазирлик ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намояндалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равнақ топиб бораётганидан далолатдир. 2004 йил ХХР Раиси давлат ташрифи билан Ўзбекистонда бўлган эди. Мана, энди Ўзбекистон Президенти давлат ташрифи билан Хитойга борди.

Мулоқотларнинг узвийлиги ўзаро алоқаларни таҳлил этиш, минтақада ва дунёда рўй бераётган воқеаларни муҳокама қилиш учун яхши имконият яратади. Тошкент саммити якунида Ўзбекистон ва Хитой олдига янги вазифалар қўйилган эди. Бу галги музокараларда ўтган қисқа вақт мобайнида биргаликда амалга оширилган ишлар сарҳисоб қилинди. Шу маънода, Пекин учрашувини Тошкент саммитининг мантиқий давоми, деб айтиш мумкин.

Ислом Каримовнинг Хитой сафарига Ху Цзиньтаонинг ташаббуси билан давлат ташрифи мақоми берилди. Ташриф асносида жами 24 ҳужжатга имзо чекилди. Булар Хитойнинг Ўзбекистон билан ҳамкорликни ривожлантиришга улкан иштиёқидан далолат беради.

Пекинда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов билан ХХР Раиси Ху Цзиньтао ўртасида аввал тор доирада, кейин кенгайтирилган таркибда музокаралар бўлиб ўтди. ХХР Раиси Президентимизни Хитойга ташрифи билан самимий қутлаб, давлатимиз раҳбарининг икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга қўшган улкан ҳиссасини юксак қадрлашини таъкидлади. Ислом Каримов эса Ўзбекистон Хитойни яқин қўшни ва ишончли шерик деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари икки томонлама муносабатларни янада ривожлантиришга оид масалаларни атрофлича муҳокама қилдилар. Савдо-иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, ижтимоий-маданий соҳалардаги алоқаларнинг бугунги аҳволи таҳлил этилди, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Мулоқотларда мамлакатимиздаги энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, транспорт, алоқа ва ахборот технологиялари соҳаларида ҳамкорликни янги поғонага кўтариш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартномага имзо чекдилар. Бу ҳужжат икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ва алоқалар кўламини янада кенгайтириб, янги мазмун билан бойитишга қаратилган.

Ислом Каримов мазкур Шартнома Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ўз тараққиётининг янги босқичига қадам қўйганидан далолат эканлигини, стратегик шериклик муносабатларини равнақ топтириш учун мустаҳкам асос бўлишини таъкидлади. Ху Цзиньтао Шартнома икки мамлакат халқларининг анъанавий дўстликни қўллаб-қувватлаш йўлидаги қатъий саъй-ҳаракатларини намоён этишини, Ўзбекистон — Хитой муносабатларини узоқ муддатли асосда ривожлантириш учун мустаҳкам сиёсий ва ҳуқуқий замин яратишини қайд этди.

Ўзбекистон билан муносабатларни ривожлантиришга алоҳида эътибор берамиз, деди Хитой раҳбари. Шартнома руҳиятига мувофиқ, анъанавий дўстликни мустаҳкамлаш, шерикликни фаоллаштириш учун Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликка тайёрмиз. Хитой ўзбек халқининг ўз миллий хусусиятларидан келиб чиқиб танлаган тараққиёт йўлига, мустақилликни мустаҳкамлаш, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни дахлсиз сақлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларига ҳурмат билан қарайди, деб алоҳида таъкидлади ХХР Раиси.

Ўзбекистон ва Хитой ҳукуматлари ўртасида техникавий-иқтисодий ҳамкорлик ва божхона иши соҳасида ўзаро ёрдам тўғрисидаги битимлар, ташқи ишлар вазирликлари ўртасида 2005-2006 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури, Ўзбекистон Иқтисодиёт вазирлиги билан Хитой Давлат ривожланиш ва ислоҳотлар ишлари қўмитаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар маркази билан Хитой Фан ва техника вазирлиги ўртасида қишлоқ хўжалиги соҳасида юқори технологиялар ва инновациялар бўйича Ўзбекистон — Хитой илмий-кўргазма марказини ташкил этиш тўғрисидаги идоралараро англашув протоколи, адлия вазирликлари ўртасида суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан Хитой Ахборот саноати вазирлиги ўртасида алоқа ва ахборот технологиялари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги билан Хитой Тижорат вазирлиги ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, молия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум, Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан Хитойнинг радиоэшиттириш, кинематография ва телевидение ишлари бўйича бош бошқармаси ўртасида радиоэшиттиришлар ва телевидение соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Хитойнинг Миллий сайёҳлик маъмурияти ўртасида сайёҳлик соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги идоралараро битим, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан Хитойнинг Халқаро савдони ривожлантириш қўмитаси ва Халқаро савдо палатаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим, «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси билан Хитой Миллий нефть-газ корпорацияси ўртасида Ўзбекистон ҳудудида геологик қидирув ишларини бажариш ва нефть конларини ишлатиш бўйича «ЎзCNPC Петролиум» қўшма корхонасини тузиш тўғрисидаги битим, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Хитой Миллатлар марказий университети ўртасида ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди.

Имзоланган ҳужжатлар рўйхатининг ўзиёқ ташриф давомида муносабатларимиз кўламини кенгайтирадиган ва ҳамкорликни янги мазмун, муайян режалар билан бойитадиган масалалар кўриб чиқилганини кўрсатади. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Божхона ишига оид битим эса ўзаро савдо алоқаларини енгиллаштиради.

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги мулоқотнинг фаоллаштирилиши, савдо-саноат палаталарининг бевосита алоқалари ҳам қатор қулайликлар яратилишини кўзда тутади. Иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, алоқа ва ахборот технологиялари билан шуғулланувчи вазирлик ва идораларнинг ҳамкорлиги нечоғли фойдали эканлигини изоҳлашга ҳожат йўқ. Зеро, қишлоқ хўжалиги Ўзбекистонда ҳам, Хитойда ҳам иқтисодиётнинг устувор йўналишларидан саналади, алоқа ва ахборот технологиялари эса ҳозирги кунда энг долзарб соҳалардан биридир.

Телерадио соҳасидаги ҳамкорлик Ўзбекистон ва Хитой ўртасида кенг кўламда ахборот алмашувини йўлга қўйишга қаратилган. Ахборот асрида бир-биридан хабардорлик, ҳамкорлар ва шериклар ҳақида батафсил маълумотга эга бўлиш ғоят муҳим. Сайёҳларнинг борди-келдисини кўпайтириш ҳам халқларимизни бирбирига янада яқин таништиришга, ўзаро ишонч ва дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Олий ўқув юртлари алоқаларининг самараси сифатида Тошкент давлат шарқшунослик институтида Конфуций номидаги Ўзбекистон — Хитой институти, Хитой Миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими очилганини қайд этиш ўринлидир. Таъкидлаш жоизки, Хитойнинг мазкур олий ўқув юрти кадрлар тайёрлаш борасидаги халқаро ҳамкорлик тажрибасини айнан Ўзбекистондан бошлади. Мазкур университетга ўзбек тилини ўрганиш бўйича кўплаб қўлланма ва илмий-услубий адабиётлар тақдим этилган. Ташриф асносида эса университет жамоасига Ислом Каримов асарларининг тўплами топширилди. Бу Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларидаги энг янги тарихини, мамлакатимизда изчиллик билан олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни ва уларнинг самарасини чуқур ўрганишда хитойлик талабалар учун муҳим дастуриламал бўлади.

Нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид битим Ўзбекистонга 600 миллион АҚШ доллари миқдорида Хитой сармояси киритилишини кўзда тутади. Дунёда энергияга талаб ошиб бораётган ҳозирги кунда бу келишув ниҳоятда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистонда энергетика захиралари кўп. Ҳали барча конлар яхши ўрганиб чиқилмаган. Ер ости бойлигини юзага чиқариш ҳам анча меҳнат ва маблағ талаб қилади. Шу маънода, Хитой билан бу йўналишдаги ҳамкорлик икки томон учун ҳам айни муддаодир.

Икки мамлакат раҳбарларининг суҳбати чоғида халқаро терроризм, экстремизм ва айирмачиликка қарши кураш борасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари ҳам муҳокама этилди. Бунда ШҲТнинг, хусусан, унинг Тошкентда жойлашган Минтақавий аксилтеррор тузилмасининг аҳамияти катта эканлиги таъкидланди. Бу иллатларга қарши курашда, тинчлик ва барқарорликка раҳна солувчи таҳдидларнинг олдини олишда кўп томонлама ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида иш юритилганда кутилган натижага эришиш мумкин. Бу борада томонларнинг фикри бир жойдан чиқди.

Президент Ислом Каримов Пекин сафари давомида ХХР Давлат кенгаши раҳбари Вэнь Цзябао билан учрашди. Ушбу мулоқот икки давлат раҳбарларининг музокараларида эришилган келишувларни ҳаётга жорий қилишнинг амалий жиҳатлари муҳокамасига бағишланди.

Давлатимиз раҳбарининг ХХР Давлат кенгашининг ташқи сиёсат ва минтақавий ҳамкорлик масалалари учун масъул аъзоси Тан Цзясюань билан учрашувида ўзаро сиёсий муносабатлар, Ўзбекистон — Хитой алоқаларини ривожлантириш орқали Марказий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари ўртасида кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Президентимизнинг Хитой ташқи ишлар вазири Ли Чжаосин, молия вазири Цзинь Жэньцин, тижорат вазири Бо Силай билан учрашувларида асосий эътибор сиёсий ва савдо-иқтисодий алоқаларга қаратилди. Б.Силай билан учрашувда Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирок этди. Ушбу мулоқот чоғида ҳамкорликда янги лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш имкониятлари юзасидан фикр алмашилди.

(Давоми 2-бетда)

# АТОҚЛИ АДИБГА ЭҲТИРОМ

Мамлакатимизда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданиятимиз, илм-фан, адабиёт ва санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшган йирик намояндалар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг бой маънавий меросини асрабавайлаш, чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, ўзбек адабиёти ва илм-фани ривожига беқиёс ҳисса қўшган академик адиб Ойбек ижодининг улкан аҳамиятини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси 2004 йил 21 декабрда қабул қилган «Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори бунинг яна бир исботидир.

Мустақиллик йилларида буюк адиб ҳаёти ва ижодини ўрганиш янги босқичга кўтарилди. Зеро, халқимизни, айниқса, ёшларни Ватанга муҳаббат, садоқат, халқпарварлик руҳида тарбиялашда Ойбекнинг ҳаёт йўли, унинг асарлари ибрат ва намунадир. Президентимизнинг Фармонига мувофиқ Ойбек «Буюк хизматлари учун» ордени билан тақдирланган. Ойбек таваллуд санасига тайёргарлик доирасида атоқли шоир ва адиб ижодининг барча қирраларини атрофлича тадқиқ ва тарғиб этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Унинг танланган асарлари, адиб ҳақида замондошларининг хотиралари китоб ҳолида чоп этилди. Кино усталари томонидан адиб ҳаёти ва ижодий меросига бағишланган ҳужжатли фильм яратилди.

... 27 май куни эрталаб шоир ва ёзувчилар, фан ва маданият намояндалари, адибнинг яқинлари, талабалар ва жамоатчилик вакиллари улуғ адиб руҳи покига ҳурмат бажо келтириб, қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Шундай хайрли тадбирлардан бири Ойбек уй-музейида бўлиб ўтди. Адиб ҳаёти, фаолияти ва ижоди билан боғлиқ йигирма минг экспонатга эга уй-музей яқинда қайта таъмирланди. Бу ерда янги экспозиция очилиши муносабати билан ташкил этилган тадбирда сўзга чиққан маданият ва спорт ишлари вазири А.Азизхўжаев, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Т.Мирзаев, Ўзбекистон халқ шоири Ж.Жабборов ва бошқалар Ойбекнинг ўлмас мероси, ёшлар тарбиясидаги аҳамияти хусусида тўхталдилар.

Шу куни Ўзбек миллий академик драма театрида Ойбек таваллудининг 100 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда шоир ва ёзувчилар, адабиётшунослар, талаба-ёшлар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Қосимов Ойбек ижодида миллат руҳи, энг эзгу анъаналари ва қадриятлари акс эттирилгани ва шу боис унинг асарлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаганини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси А.Орипов, шоира Х.Рустамова, Ўзбекистон халқ артисти Ё.Аҳмедов ва бошқалар адиб асарлари ҳозир ҳам кишиларимиз онгига буюк аждодларга эҳтиром, Ватанга муҳаббат, фидойилик, умрбоқий миллий қадриятларимизга ҳурмат туйғуларини сингдиришга хизмат қилаётганини қайд этдилар.

Ойбек қаламига мансуб «Навоий» романи хитой тилида қайта нашр этилгани адиб тўйига яна бир муносиб тўёна бўлди. Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Цуй Гоцзе ўзбек-хитой маданий алоқалари ривожи ҳақида гапириб, буюк ўзбек шоирига бағишланган асарнинг ана шу янги нашри нусхасини Ойбек уй-музейига тақдим қилди.

Тантанали кеча Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим асари асосида режиссёр Валижон Умаров саҳналаштирган «Адибнинг умри» спектакли намойиши билан якунланди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов қатнашди.

**(ЎзА)**

✧✧✧

**Суратларда:** гул қўйиш пайтидан лавҳа.





С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар

**ЎзХДП янгиликлари**

# ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Халқимизнинг янги иш бошлаган икки палатали парламентдан, умидлари катта эканлиги жойларда Қонунчилик палатаси депутатларининг сайловчилар билан бўлаётган учрашувларида яна бир бор намоён бўлмоқда. Яқинда Амударё туманида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси Гулистон Аннақличеванинг сайловчилари билан бўлган учрашувидаги қизғин савол-жавобларнинг моҳияти бевосита ана шунга қаратилди. Депутат дастлаб Қонунчилик палатасининг фаолияти, ҳар бир партиянинг янги тартибда тузилган фракциялари ва Ўзбекистон ХДП фракцияси иш режаси билан сайловчиларини таништирди. Шундан сўнг Гулистон Аннақличева парламентчилик фаолияти асосида сайловчилари олдида эълон қилган дастури юзасидан амалга оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтди. Хусусан, Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси томонидан қонунлар лойиҳаларига киритилаётган таклифлар, уларнинг ичида Қорақалпоғистон Республикаси шарт-шароитлари, қорақалпоқликларнинг турмуш тарзи албатта ҳисобга олинаётганлигини аниқ мисоллар, факт ва рақамлар билан айтиб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг 2005-2009 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастури ҳақида ҳам тўхталди.

Депутат сайловчилари билан учрашувларини Амударё туманидаги Дурман, Хитой овулларида давом эттирди.

Парламент Қонунчилик палатаси депутати Илҳом Аҳмедовнинг Хива шаҳри аҳолиси билан учрашуви ҳам савол-жавобларга бой бўлди. Депутат аҳоли вакилларини сайлов бўлиб ўтгандан кейинги беш ой мобайнида палата фаолияти, қабул қилинган қарорлар ва қонунлар билан таништириб, уларни қизиқтираётган, жумладан, аҳолини иш билан таъминлаш, миграция тўғрисидаги масалаларга алоҳида тўхталди. Депутат билан учрашувда Хива туман ҳокими, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати М.Мадаминов, Хива туман Кенгаши депутатлари, корхона ва ташкилот раҳбарлари иштирок этдилар.

Депутат Илҳом Аҳмедов Хива туман ҳокимлиги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва меҳнат бўлими, «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими, хотин-қизлар қўмитаси, ЎзХДП Хива туман кенгаши ҳамкорлигида ўтказилган меҳнат ярмаркасида ҳам иштирок этди. У йиғилганларга Парламент Қонунчилик палатасида қабул қилинаётган қонунлар лойиҳаларига ЎзХДП Сайловолди дастуридан келиб чиқиб, аҳолини иш билан таъминлаш масаласида алоҳида таклифлар киритилаётганлиги, депутатларнинг аҳолини қизиқтираётган бошқа масалалардаги фаолиятлари хусусида гапириб берди.

Депутат шу куни «Хива гилами» ҳиссадорлик жамияти ва «Хива карпет» қўшма корхонасида бўлиб, меҳнаткашлар билан учрашди. Депутат Қонунчилик палатасининг фаолияти ҳақида йиғилганларга батафсил гапириб берди ва уларнинг саволларига жавоб қайтарди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари бўлиб ўтган учрашувлар давомида Андижон вилоятида содир бўлган нохуш воқеаларга ҳам тўхталиб ўтиб, сайловчиларини воқеалар ҳақидаги турли хил уйдирма гапларга ишонмасликка, бундай хунрезликлар бошқа ҳудудларда ҳам такрорланмаслиги учун доимо ҳушёр ва огоҳ бўлишга даъват этдилар. Андижон воқеаларининг келиб чиқиши, уни кимлар уюштирганлиги парламентда тузилган махсус комиссия томонидан халққа очиқ-ойдин етказилишини таъкидладилар.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

# ЁШЛИК ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ




Ёшлик ва шижоат, спорт ва нафосат уйғунлигини ўзида акс эттирган «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари ҳал қилувчи паллага кирди. Республика ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими ўқувчиларининг ушбу нуфузли мусобақаси маркази саналган Чирчиқдаги Олимпия захиралари спорт коллежини бугун бемалол «Олимпия шаҳарчаси»га қиёслаш мумкин. Мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан ташриф буюрган 2170 нафар ёш спортчи Чирчиқдан ташқари Ғазалкент шаҳри ва Қибрай туманида ҳам ғолиблик учун баҳслашмоқдалар.

4-бет

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг бўлиб ўтди. Унда журналистлар шу йил 13 май куни Андижонда содир этилган фожиали воқеалар юзасидан қўзғатилган жиноий иш бўйича бошланган дастлабки терговнинг натижалари билан таништирилди.

Илгари хабар қилинганидек, мазкур воқеа бўйича Ўзбекистон Бош прокурори томонидан 2005 йил 13 майда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг терроризм, конституциявий тузумга тажовуз қилиш, икки ва ундан ортиқ шахсни қасддан ўлдириш, оммавий тартибсизликлар уюштириш, одамларни гаровга олиш каби жиноятлар учун жавобгарликни кўзда тутувчи моддалари бўйича жиноий иш қўзғатилган.

Бош прокуратура матбуот хизмати раҳбари С.Ортиқованинг маълум қилишича, тезкор тергов гуруҳи томонидан террорчилик ҳаракатлари сабаблари, жиноятларнинг барча иштирокчиларини аниқлаш, улардан ноқонуний эгаллаб олинган қуроллар ва ўқ-дориларни қайтариб олиш, ҳалок бўлганларнинг шахсини аниқлаш бўйича чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Қўлга олинган 98 шахсдан 52 нафари террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда гумон қилиниб ҳибсга олинди.

Террорчилик ҳаракатлари натижасида ҳалок бўлганларнинг умумий сони 173 кишига етди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг оғир ярадор бўлган яна уч нафар ходими касалхонада вафот этди.

Террорчилар қамоқдан чиқариб юборган 527 маҳбуснинг 470 нафари ўз ихтиёри билан жазони ўташ жойига қайтиб келди. Кўрилган чоралар натижасида 15 маҳбус қамоққа қайтарилди. Қолган маҳбусларни қидирув ишлари давом этмоқда.

Террорчилар қўшни давлатга зўравонлик билан олиб ўтган тинч аҳоли вакилларини Ватанимизга қайтариш чоралари кўрилмоқда. Улардан 6 киши юртимизга қайтди.

Мамлакатимиз ҳукумати ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан террорчилик ҳаракатлари оқибатларини бартараф этиш борасида комплекс чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ушбу иш бўйича тергов давом этмоқда.

**(ЎзА).**

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 152-78-74, 152-78-75, 134-75-57; Faks: 152-78-04.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

Депутат фаолияти

# МУКАММАЛ ҚОНУНЛАР ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

**Ҳаётимизда, жамиятимизда янги давр, янги босқич бошланди. Президентимиз Ислом Каримов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида ана шу жараёнда нималарга алоҳида эътибор бериш, айниқса кучли давлатдан кучли жамият сари ғоясини амалиётга тўла татбиқ этиш ва фуқароларимизга бутун жамият ҳаётини бошқариш ва ташкил этишда фаол иштироки учун имконият яратишда қайси масалаларни биринчи галда ҳал этиш зарурлиги аниқ ва равшан кўрсатиб ўтилди.**



Жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ қилиш, ялпи ислоҳотларнинг самарадорлигини ошириш бўйича устувор вазифаларни ижро этишда партия ташкилотлари зиммасидаги масъулиятнинг нақадар аҳамиятли экани ҳам ЎзХДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган II пленумида аниқ таҳлиллар асосида айтиб ўтилди.

Дарҳақиқат, мамлакат иқтисодиётини бозор талаблари асосида қайта тиклашни қўллаб-қувватлаб келаётган ЎзХДП биринчидан, ислоҳотларнинг ижтимоий самарасини ошириш, иккинчидан, меҳнат бозоридаги иш берувчилар ва ишловчилар ўртасидаги муносабатларда ишловчилар манфаатини ҳимоя қилиш, учинчидан, аҳолининг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялашни ўзининг асосий вазифаси сифатида белгилаб олди. Ўзини мамлакатимиздаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти яъни, сўл йўналишдаги сиёсий партия деб эълон қилди. Жамиятимиз сиёсий ҳаётидаги бу воқеа фуқаролик жамиятига ўтиш жараёни мустаҳкам ҳуқуқий асосда ва қонунлар устуворлиги тамойилларига мувофиқ келади.

Бу борада ҳозирги кунга қадар бир қанча муҳим қонунлар қабул қилингани диққатга сазовордир. «Жамоат бирлашмалари тўғрисида», «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида», «Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида», «Ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва бошқа қонунлардир. Уларнинг янги таҳрирдагилари эса Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан кенг жамоатчиликка таянган ҳолда ишлаб чиқилади ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига тақдим этилади. Мавжуд қонунларга ўзгартириш киритиш таклифлари ҳам қўмитада кўриб чиқилади.

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, қонунлар яратиш — мураккаб ва узоқ давом этувчи жараён бўлиб, у катта ва ҳар томонлама пухта билимни, реал ҳаёт, замонавий ҳуқуқий фан ютуқлари ҳамда уларнинг қўлланиш амалиётини чуқур мушоҳада қилишни талаб этади. Қонуннинг мукаммаллиги, унинг лойиҳаси устида депутатлар қанчалик даражада кўп ва хўп ишлаганига боғлиқ. Айни ана шу жиҳатнинг ўзи депутатларга жуда катта масъулият юклайди. Чунки ўтган даврда қабул қилинган қонунларимиз ўтиш даврига миллий давлатчиликни шакллантириш ҳамда демократик, адолатли, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ислоҳотларни амалга оширишнинг дастлабки босқичи учун хос эди. Энди эса Ўзбекистонда дунёвий демократия талабларига мос давлатчилик шакли қарор топмоқда. Шу боис амалдаги қонунларимизни кўриб чиқиб, уларга замон талаб қилаётган ўзгартишлар киритиш орқали салмоқли қонунлар қабул қилинишига эҳтиёж пайдо бўлди. Масалан, «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш давр тақозосидир. Ушбу Қонун қабул қилингандан буён ўтган давр ичида ноҳукумат ташкилотлар тўғрисидаги қонунчилик жадал суръатлар билан ривожланди. Нодавлат нотижорат ташкилотлар, сиёсий партиялар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари, сиёсий партияларни молиялаштириш, виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Ҳозирда қўмитамиз томонидан «Жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири тайёрланиб биринчи ўқишда палата мажлиси кун тартибига киритилди. «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги янги қонун лойиҳаси эса тайёрланмоқда. Бундан ташқари «Хайрия фаолияти тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиш режамизда бор.

Ҳозирда мамлакатимизда 5000 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолият кўрсатмоқда. Янги босқичда уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва мавқеи кескин кучайиши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг маърузаларида уқтирилганидек, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлашда, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини оширишда, мамлакатда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бу ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Эндиги вазифа ана шу қонунлар моҳиятини аҳоли кенг қатламлари, ҳар бир фуқаро онгига етиб бориши ва бу қонунларни онгли равишда ҳис этишига эришишдан иборатдир.

**Муҳаббат АБДУЛЛАЕВА,**
**Қонунчилик палатаси депутати, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари қўмитаси, ЎзХДП фракцияси аъзоси**

*Мусо Тошмуҳаммад ўғли ОЙБЕК таваллудининг 100 йиллигига*

# НЕГА МЕН ОЙБЕКНИ ТАНЛАДИМ?

Ўтган асрнинг 40-йилларида САГУ — ҳозирги ЎзМУнинг филология факультетида таҳсил олган кезларимда бир неча бор университетда, Ёзувчилар уюшмасида Ойбекка дуч келганман...

1949 йилнинг ёзи эди, чамамда. Ёзувчилар уюшмасида Ойбек билан катта учрашув бўлди. Айвонга одам сиғмаганидан биз ёшлар дераза олдида туриб адиб суҳбатини эшитганмиз. Ўшанда Ойбек янги роман ёзгани ҳақида сўзлаб, унга материал тўплаш мақсадида бир неча марта Фарғона водийсига боргани ва у ерда одамлар билан ҳамсуҳбат бўлиб, уларнинг ҳаётини ўргангани хусусида батафсил гапирди. Худди шу мулоқот мени адабиётга яқинлаштирган бўлса ажаб эмас.

1950 йилда университетни битказгач, бетоблигим туфайли ўқишни давом эттира олмадим. Ойбекнинг ижоди хусусида бошлаган илмий ишим ҳам тўхтаб қолди. Бироқ Ойбек хусусидаги изланишларим ҳамон ўй ва орзуларимнинг бир чеккасида турарди.

Кейинроқ Москвада таҳсил олган кезларимда менда фалсафага мойиллик сезила бошлади. Ҳатто илмий ишимнинг бош йўналиши қилиб Белинский ижодини танладим. Бироқ ўшанда мавзуни тўғри танладимми йўқми, деган шубҳа ҳам йўқ эмасди.

Яна кўз олдимда бутун салобати, асарларидаги жозибаси билан Ойбек гавдалана бошлади. Ойбек ижоди ҳақида етук мунаққид даражасида фикр юритиш ўзбек адабиётшунослиги учун жуда зарураtдек кўринди менга. Бундан ташқари, урушдан кейинги йилларда Ойбек ижодининг таҳлили билан бир мунча қизиққаним мени бу мавзу томон тортарди. Охир-оқибат, илмий ишим мавзуси хусусидаги қароримни ўзгартиришга мажбур бўлдим. Ўша пайтларда ўзбек адабиётида энг сермаҳсул ижодкор, ҳам назмда, ҳам насрда етук асарлар ёзиб танилган ёзувчи Ойбек эканлиги боис менинг бу қарорим ҳеч кимда эътироз туғдирмади, аксинча кўпчилик бунга хайрихоҳлик билдирди.

Хуллас, мавзу устидаги изланишларни дадил бошладим. Диссертациянинг «Қутлуғ қон» романига тегишли 70-80 бетлик матни 6 ой деганда тайёр бўлди. Тузатишлар билан қайта машинкадан чиқардим.

Анча вақтни сарф қилиб тайёрлаган, раҳбарим томонидан маъқулланган ишимдан негадир қониқиш ҳосил қилмадим. Шундай бўлдики, битган боб янгитдан ёзилди. Уни қайта ишлаш учун қанча вақт кетганини ҳозир эслай олмайман. Битказдиму руҳим енгил тортди.



Бир ойлар ўтар-ўтмас ушбу боб кафедра йиғилишида муҳокама қилинди. Унда бўлиб ўтган гаплардан иккитасини яхши хотирлайман. Бири — бир ярим йил деганда мен домлаларимдан илиқ сўзлар эшитдим. Иккинчиси шу бўлдики, кафедра аъзоларидан бири ишни варақлай туриб: «Буни — асарни таҳлил қилиш намунаси сифатида қабул қилиш мумкин» деди. Кўп ўтмай, бу боб Тошкентда рус тилида чиқадиган «Звезда Востока» журналида эълон қилинди.

Танлаган йўлим тўғри эканини англай бошладим. Диссертациянинг қолган қисмларини ёзишга дадил киришдим. Бу ёғи унча қийин бўлмади. Тез орада «Навоий» романи таҳлилига бағишланган бобни ҳам тугатдим.

Бу вақтга келиб Ойбекнинг соғлиғи яхшиланганини эшитдим. 1959 йилда нашр қилинган китобимни кўтариб унинг олдига бордим. Ойбек билан биринчи марта юзма-юз учрашишим эди. Адиб илиқ кўришиб сўрашди. Кейин у китобни қўлига олиб варақлади. Кўзи тушган қаҳрамонларининг номларини такрорлади. Китобни ёпди-да, жилмайиб бир сўзни бир неча бор такрорлади. Чой қуйиб бериш учун олдимизга келган Зарифа опа «Табриклайман, яхши китоб бўлибди», — деяпти, деб изоҳ берди. Буни эшитиб енгил тортдим.

Ўқиш муддати ҳам тамом бўлди. Тўрт йил давомида тинимсиз изланишлар билан банд бўлиб, яратилган «Принципы и приёмы изображения характеров в романах Айбека» номли китоб мухлислар қўлига бориб етди.

Мен ўзимни катта довондан ошган ҳисоблардим. Китоб кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Ҳатто 1959 йилда Москвада ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига олиб бориладиган китоблар рўйхатига ҳам киритилди. У ерда етук адабиётшунослар муҳокамасига қўйилиб, ижобий баҳо олди. Хуллас, мен ойбекшунос олим номини олишга муяссар бўлдим.

Мазкур тадқиқотимдан сўнг Ойбек, қолаверса, адабиётшунослик олдидаги бурчимни адо этгандек сездим. Ойбекдек йирик санъаткорнинг бадиият сирларини фақат ўзбек китобхонигагина эмас, балки турли миллат вакилларига етказиш шарафига муяссар бўлдим. Бу ишларнинг ҳаммасида ҳам улуғ Ойбек менга ҳамкор, ҳамфикр, беназир устоз бўлди.

Эришган ютуқларим қай даражада бўлмасин, нега мавзуни ўзгартирдингиз, нега Ойбекни танладингиз деган савол туғилиши табиий. Аввало, миллий туйғу мени ўзбек адабиёти, хусусан унинг хассос намояндаси хусусида сўз айтишга ундаган бўлса, иккинчидан ўзининг етук ижоди билан бадииятимиз осмонида порлаб турган Ойбек сиймоси ҳар қандай кишини ўзига жалб қилар эди. Илмий йўналишимни миллийлик ўзанига солишга ундаган асосий сабаблардан бири шу эди.

**Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,**
**академик**

## ДИЛДАН ЎЧМАС ИБРАТИНГ

*Сен Навоийни қазиб олдинг асрлар қаъридан,*
*Эл ишончин тикладинг турғизгач они қабридан.*

*Энди ўзбек танига киргандек бўлди қайта жон,*
*Ўзбегим — турк халқ экан, деб берди тан жумла жаҳон.*

*Сен тирилтирдинг Алишерни, кезар у халқ оро,*
*Яккаламлик гаштини сурганди ҳатто Бойқоро.*

*Ажратиб миллатсевар, миллатчини ёздинг роман,*
*Диди нозик, фозил эрди фикрловчи қаҳрамон.*

*Шеър изоҳин бизга бердинг: барқ урар ораз, қуёш,*
*Акси бўлса, кўринару сочилар юлдуз ва ёш.*

*Тасвирингда ўн бешинчи ул аср — олтин аср,*
*Ҳа, «Навоий» олтин асрчун эрур олтин қаср.*

*Абдиманноб мухлисидир Ойбек адиб қудратин,*
*Зўр ҳавас-ла сақлағуси зарра ўчмас ибратин.*

**Манноп ЭГАМБЕРДИ**

# ОЛТИН ҚАЛАМ

Йигирманчи аср ўзбек шеърияти учун кўп жиҳатдан, хусусан поэтик унсурларнинг тадрижий ўзгариши жиҳатидан янгиланиш асри бўлди. Аруз ўзининг неча ўн асрлик машаққатли ва шарафли сафаридан бирмунча толиқиб, бадиият янги шакл-мундарижаларга муҳтож бўла бошлаган бир пайтда, адабиёт оламига кириб келган янги авлод вакиллари ўзбек халқ қўшиқлари, шунингдек, достонлардаги шеърий ўлчовларни дастуриламал қилиб, шу кезгача профессионал шеъриятда ҳали илғанмаган уфқларни оча бошладилар. Изланишнинг бундай эпкинлари, шубҳасиз, ҳаётбахш эди. Шеъриятни мана шундай яшовчан, кенг ўқувчилар оммасига яқин анъаналарга ўтказиш жараёни ҳам осонликча кечгани йўқ. Буларнинг мажмуини Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ижодида ҳам яққол кўриш мумкин.

Ойбек табиатан янгиликка интилувчан шоир эди. У шеърият майдонига бетакрор бир ҳилпирашлар касб этаётган мутлақо янги ялов билан кириб келди.

Ойбекнинг назарида шеъриятнинг ўзи Шарқ қизидек озодликка ташна эди. Бу Маликага асл озодликни туҳфа этиш, уни умумжаҳон меъёрларида камол топишига имкон яратиш, тараққиётнинг равон йўлларига олиб чиқиш зарур эди. Бу зарурат эса, ўз навбатида, анъаналарга садоқатни ҳам амалиётдан соқит қилмаслиги лозим эди.

**Эй Шарқ қизи, энди қўрқма,**
**Кишанлардан, занжирлардан.**
**Қулликларни йиқиб ташла,**
**Олқиш сепай чечаклардан...**

Мазкур шеър билан бир вақтда битган манзумасида Ойбек шундай деб хитоб этади:

**Ана, кўклам ҳар томонга шеър сочмиш...**

Шоирнинг шеърлари унинг қўлидаги гулларга, чечакларга монанд эди. Мана бу мисраларга эътибор қилинг:

**Тоғларда очилдингиз,**
**Йўлларда сочилдингиз.**

Шоир «Баҳор қуёшининг олтин кулгуси яшил япроқларда яшнаб ўйнаётган ҳаётнинг фаол иштирокчиси» бўлганидан сурурланади. Бу ҳаётнинг қиёфасини у «Ҳар ёқда ёш, яшил ва қувноқ ҳаёт» каби сўзлар билан тансиқ бир бўёқлар воситасида чизади. «Хаёли қўйнида ётган чоғларда ўзини сездирган юксак тоғларда», ё ёшлигининг «Ёқут кўзларидан ўпади».

Албатта, шоир бадииятнинг бундай юксак чўққиларини ўз-ўзидан забт этгани йўқ. У тинимсиз ўқиш ва ўрганишни ижод жараёни билан чамбарчас боғлаб олиб борди. Масалан, Ойбекнинг «Денгизга» сарлавҳали шеърини олиб қарайлик.

**Эркалан, шўх денгиз, ўйна, шўх денгиз,**
**Уфқлардан ошар, сиғмас қирғоғинг.**
**Йигит кўнглим каби қайна тинимсиз,**
**Юксакларда қуёш олтин байроғинг.**

Бу мисралар беихтиёр Александр Пушкиннинг «Денгизга» шеъридаги **«Алвидо, қудратли, асов ғалаён»** мисрасини ёдга туширадики, шоирнинг ижодида бундай сатрларнинг пайдо бўлиши Ойбек қаламининг Пушкин воситачилигида Оврупо шеърияти, хусусан Байрон ижоди билан ҳамоҳанглашганидан дарак беради. Бундай ижодий таъсирланишнинг нур устига нур эканлиги эса кундай равшандир.

Ойбек ижодига унинг ёшлиги кечаётган давр бор мураккаблиги билан кириб келди. Ва бир умр қолди. Ойбек шеъриятининг умри эса шеъриятнинг умри билан тенгдир.

Ойбекнинг юрагини шеърият бўсаси бир умр ёқиб ёнди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, гарчи муҳаббат, гарчи табиат манзаралари Ойбек ижодида салмоқли ўринни эгалласа ҳамки, шоир учун Ватанни куйлаш, куйлаганда ҳам ҳар хил дабдабалардан ҳоли тарзда, юрак-юракдан берилиб тараннум қилиш унинг қалами учун мавзуларнинг мавзуси бўлиб қолди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, шоир меросидаги бошқа барча мавзуларни биз Ватан мавзусидан ташқарида тасаввур қила олмаймиз. Ҳар биримизнинг ҳаётимиз барча жиҳатлари билан ўзимиз яшаётган борлиққа нақадар чамбарчас бўлса, Ойбек ижодидаги Ватан мавзуси ҳам бошқа мавзуларга шунчалик уйғунлашиб кетган. Бу мавзу Ойбек ижодида фашистларга қарши иккинчи жаҳон уруши йилларида айниқса юзага қалқиб чиқди. Бу табиий эди. Чунки инсондаги ҳар қандай меҳр, ҳар қандай муҳаббат оғир кунларда имтиҳондан ўтади. Ойбекнинг юрагидаги муҳаббат эса ҳар қандай имтиҳондан юксакда эди.

**Уфқларнинг бети қон,**
**Ҳар юракда бир ҳижрон,**

дея ҳасрат чекди Ойбек 1942 йил 26 июнь куни...

«Ҳар юрак»даги ана шу «бир ҳижрон» шоирни бир умр ўйлантирди, унга бир умр азоб берди, умид бахш этди...

Ойбек шеърларини шунчаки кўз югуртириб ўқиб бўлмайди. Бу шеърлар шошқалоқ мушоҳадаларга тутқич бермайди. Қўрғошин каби оғир бу шеърлар юракларнинг туб-тубларига олтин ёмбисидек бўлиб чўкади.

**Матназар АБДУЛҲАКИМ,**
**Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими**

XORIJDA

## Зарар ҳисоблаб чиқилмоқда

Москва вице-мэри Валерий Шанцевнинг маълум қилишича, пойтахт электр қуввати тармоқларида рўй берган авария катта молиявий зарар келтирган. Авария оқибатлари тўлиқ бартараф қилингач, Москва маъмуриятининг махсус мажлиси ўтказилади. Унда авария сабаблари ўрганилиб, фавқулодда вазиятларда хизмат кўрсатиш таҳлил қилинади.

Мутахассислар кўрилган молиявий зарар «бир миллиард доллар»ни ташкил этиши мумкинлигини айтишмоқда.

## Янги телеканал ишга тушди

Лотин Америкасида Шимолий Америкага тегишли бўлган teleSUR канали фаолият бошлади.

TeleSUR каналининг кўрсатувлари NSS 806 сунъий йўлдоши орқали Жанубий, Марказий ва Шимолий Америкага узатилади. Бундан ташқари, уни Ғарбий Европа ва Африканинг шимолий қисмида ҳам кўриш мумкин.

Телеканал директори Арам Ароньяннинг айтишича, Венесуэла, Аргентина, Уругвай ва Куба каби мамлакатлар янги телевизион тармоқ муассисларидир. Телеканал раҳбарияти яқин вақт ичида Аргентина, Куба, Вашингтон ва Мехико каби шаҳарларда ваколатхоналар очишни режалаштириб қўйган.

## Вертолёт ҳалокати

Америка ҳарбийларининг маълум қилишича, Ироқнинг Бағдод шаҳри шимолида жангарилар томонидан ўққа тутилган «OH-58 Kiowa» вертолёти ҳалокатга учраган. Экипаж аъзоларининг икки нафари ҳалок бўлди. Ҳамлага учраган иккинчи вертолёт эса Америка ҳарбий базасига қўнишга улгурди.



## Музокара бошланди

Жаҳон савдо ташкилоти Эрон билан музокара бошлади. Бу ҳаракатлар Америка томони Эронга эътирози йўқлигини билдирганидан кейин амалга ошди.

Чоршанба куни Эрон расмийлари Британия, Франция ва Германия ташқи ишлар вазирлари билан келишувга эришиб, уранни бойитмаслик сиёсатини давом эттиришга ваъда беришди.

## Интернетга қарам бўлиб қолманг



Хитойда Интернет «касалига» мубтало бўлганлар учун «шифо марказлари» очилди. Пекинда очилган ана шундай марказ 14 ўринли бўлиб, унда бир кун даволаниш 50 долларга тушади.

Мутахассисларнинг айтишича, Интернетга кўпроқ Хитой ўсмирлари боғланиб қолишган. Уларнинг 4,4 миллиони компьютер ёки интернетсиз ҳаётларини тасаввур қила олмайдилар.

Янги марказ хизматчилари бу ҳаракат ёшларнинг компьютерга берилиб кетиши руҳий ва жисмоний соғлигига таъсир қилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантиришмоқда.

ОАО
«TEMIRYO'LTA'MIN»

***Информация о существенном факте. Порядковый номер сообщения №07***

***Наблюдательный Совет ОАО «TEMIRYO'LTA'MIN» сообщает о проведении внеочередного Общего собрания акционеров, которое состоится «27» июня 2005г. в 11 часов по адресу: г.Ташкент, Сергелийский район, ул. Проектная. Г-24.***

*Список акционеров, имеющих право участвовать в годовом Общем собрании акционеров, составлен по данным реестра закрытым по состоянию на «28» мая 2005г.*

ПОВЕСТКА ДНЯ

*1. Утверждение счетной комиссии и регламента проведения Общего собрания акционеров.*

*2. О даче согласия на вступление в договорный отношения по договору проучительства с Сергелийским филиалом ГАКБ «Асака» по договору кредитования между вышеуказанным филиалом банки и Узбекско-Руссийским совместным предприятием Торговый дом «Хорезм-мет-экспо» на мумму 400 млн. сум.*

*Регистрация участников собрания проводится с 10 часов по выше указанному адресу. При себе иметь паспорт или удостоверение личности, а представителям акционеров-нотариально заверенные доверенности. Представителям ационеров юридическсих лиц необходимо иметь доверенность, заверунную нотариусом.*

*Справки по телефону: 58-72-00.*

***Наблюдательный Совет ОАО «TEMIRYO'LTA'MIN»***

SAVDOGAR BANK

Ҳурматли юртдошлар!

САВДО ВА ТИЖОРАТГА КЎМАКЛАШУВЧИ
«САВДОГАР» АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

СИЗЛАРГА ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ЗАМОНАВИЙ
БАНК ХИЗМАТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ!

**«САВДОГАРБАНК» НИНГ СЎМ ПЛАСТИК КАРТОЧКАЛАРИ СИЗ УЧУН!**

- *«Савдогарбанк» сўм пластик карточкалари — бу сизнинг электрон ҳамёнингиздир.*
- *Республикадаги барча савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилган терминаллар ёрдамида тўловларни амалга оширишингиз мумкин.*
- *«Савдогарбанк» сўм пластик карточкасига йиллик 16% устама даромад ҳисобланади.*
- *Иш ҳақи, нафақа ва унга тенглаштирилган тўловларни кечиктирмай, белгиланган тартибда пластик карточка ҳисоб рақамига ўтказишингиз мумкин.*
- *Пластик карточка орқали барча тўловларни амалга ошириш имконига эга бўласиз.*
- *«Савдогарбанк» сўм пластик карточкангиздаги маблағларингиз Ўзбекистон Республикаси Фуқароларининг банкдаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан ҳимояланган.*
- *«Савдогарбанк» сўм пластик карточкангиздаги маълумотлар сир сақланишига кафолат беради*
- *Карточка йўқолган ёки ўғирланган тақдирда Сиз пулингизни йўқотмайсиз.*




**Бундан ташқари, аҳоли даромадини ошириш мақсадида «Савдогарбанк» қуйидаги омонат турларини таклиф этади:**

**Талаб қилиб олгунча — йиллик 5 фоиз**

**Муддатли омонат:**

**3 ой муддатга — йиллик 22 фоиз**
**6 ой муддатга — йиллик 24 фоиз**
**1 йил ва ундан ортиқ муддатга — йиллик 26 фоиз**
**5 йил ва ундан ортиқ муддатга — йиллик 28 фоиз**

**Кафолатли даромад:**
***6 ой муддатга — йиллик 24 фоиз***
***1 йил муддатга — йиллик 26 фоиз***
***1 йилдан 3 йилгача — йиллик 27 фоиз***
***3 йил ва ундан ортиқ муддатга — йиллик 28 фоиз***

*«Мўътабар аёл» омонати 1 йил муддатга — йиллик 26 фоиз*
*«Ишонч» омонати 3 ойдан кам бўлмаган муддатга — йиллик 26 фоиз*

*«Фаровон ҳаёт» пластик карточка омонати. Маблағлар нақд пулда ёки нақд пулсиз шаклда қабул қилинади. Омонат қолдиғи 10000 сўмдан кам бўлмаслиги керак. — йиллик 16 фоиз миқдорда фоиз ҳисобланади ва фоизлар ҳар чоракда омонат қолдиғига қўшиб борилади.*

(Давоми. Боши 1-бетда)

«Баркамол авлод — 2005»

# ЁШЛИК ВА МАҲОРАТ КЎРИГИ

Ҳозиргача дастурдан жой олган сузиш, енгил атлетика, кураш, бадиий гимнастика сингари спорт турлари бўйича мусобақалар ниҳоясига етди. Сузиш мусобақаларида Қашқадарё, Жиззах вилояти ёшларининг илк маротаба кучли саккизликка кирганликлари спортнинг ушбу турини жойларда оммавийлаштиришга катта аҳамият берилаётганлигини кўрсатиб турибди.

— Бу йилдан бошлаб «Баркамол авлод» спорт ўйинларида республикамиздаги Олимпия захиралари коллежлари ўқувчиларининг иштирок этаётганлиги баҳсларнинг қизғин ва муросасиз ўтишини таъминламоқда, — дейди енгил атлетика мусобақалари бош ҳаками Клара Шокиржонова.

«Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинларининг кураш беллашувларида ҳам бир қатор кутилмаган натижалар қайд этилди. Мухлислар авваллари медаллар учун асосан Сурхондарё, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари полвонлари гиламга чиқишига кўникиб қолишганди. Эътиборлиси, бу йил кучлилар қаторига Андижон ва Фарғона вилоятлари вакиллари ҳам қўшилиб, мутахассисларда илиқ таассурот қолдиришди. Ўсмирлар ўртасидаги беллашувларда андижонлик Самар Эшмуродов (50 кг.), Арслон Холмуродов (55 кг.), Бобур Қувватов (+77 кг.), қизлар баҳсида Гулзира Каримова (52 кг.) бронза медали билан тақдирланган бўлса, Дилноза Қамбарова (+57 кг.) эса шоҳсупанинг иккинчи поғонасига кўтарилди.





— Вилоятимизда спортнинг бадиий гимнастика турига қизиқиш тобора ортмоқда, — дейди Жиззах вилояти бадиий гимнастика федерацияси масъул котиби Анвар Нормуродов. — Ушбу турнинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари дастурига киритилганлиги иқтидорли ёшларни тарбиялашда катта аҳамият касб этади. Чирчиқдаги мусобақада умидли спортчиларимиздан Маъмура Турматова ҳамда Саҳоба Нормуродовалар вилоятимиз шарафини ҳимоя қилишди. Гарчи улар ғолиб ва совриндорлар қаторидан ўрин олишолмаган бўлсалар-да, ушбу мусобақа қизларимиз учун тажриба мактаби вазифасини ўтаганлигига шубҳа йўқ.

Кўпчилик Андижонда ўтган «Баркамол авлод — 2003» спорт ўйинларининг қизлар ўртасида волейбол бўйича олтин медаль соҳиби Тошкент шаҳри жамоаси имкониятини юқори баҳолашганди. Бироқ пойтахтлик қизлар гуруҳ баҳсларида аввалига Қорақалпоғистон (1:3), сўнгра хоразмлик волейболчиларга (2:3) ютқазиб қўйиб, медаллар учун курашиш ҳуқуқини қўлдан чиқаришди. Шунингдек, қўл тўпи баҳсларида Тошкент шаҳри ўсмирларининг Сурхондарё вилояти вакилларига 15:32 ҳисобида ютқазганликлари ҳам мусобақанинг кутилмаган натижаси сифатида эътироф этилди.

— Илк маротаба шундай йирик мусобақада қатнашаяпман, — дейди Андижон Олимпия захиралари спорт коллежи 1-курс ўқувчиси Обиджон Ғофуров. — Уч йилдан бери мураббий Алишер Каримжонов қўл остида стол тенниси сирларини ўрганаяпман. Мусобақани кўтаринки руҳда бошладим. Дастлаб Қорақалпоғистон, сўнгра Хоразм, Қашқадарё вилоятларидан келган тенгдошларимни мағлубиятга учратдим. Биз турли вилоятлардан келган ёшлар билан Бўстонлиқ туманидаги «Семурғ» болалар оромгоҳида бир хонада яшаб, шу ерда баҳсларда қатнашаяпмиз. Бу ерда ҳар бир дақиқамиз мазмунли ва таассуротларга бой ўтмоқда. Шундай имконият ва шароитларни яратиб берганликлари учун ҳукуматимизга раҳмат, деймиз.

Ёшлик ва маҳорат кўриги — «Баркамол авлод — 2005» спорт ўйинлари қизғин давом этаяпти.

**Эркин ХОЛБОБО,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

✧✧✧

**Суратларда:** мусобақалардан лавҳалар.

**Шавкат АКРАМОВ, Муҳаммад АМИН (ЎзА), Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

Янги китоб

# «МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТ АСОСЛАРИ»



XXI аср бўсағасида Ўзбекистон Республикаси бозор иқтисодиётига, бозор хўжалик механизмига ўта бошлади ва жамият тараққиётида маъмурий буйруқбозлик тизимини тарк этиб, ўтиш даври жараёнларига босқичма-босқич қадам қўйди. Табиийки, бундай шароитда аксарият ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ечишга тўғри келди. Масалан, бозор иқтисодиётига ўтиш моделига кўра, чет эл тажрибасига қиёсан миллий менталитет ва республиканинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олинди. Янгиланиш ва тараққиёт борасида якуний мақсад — аҳолининг ижтимоий муҳофазасига қаратилган ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти қуриш бўлди. Кучли давлатдан — кучли жамият сари одимлар ташланди. Улар давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилга асосланди. Булар мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларда ўзбек моделининг негизи эди.

Иқтисод фанлари докторлари, профессорлар — **Ғ.М.Қосимов** ва **Б.Ж.Маҳмудов**лар ҳаммуаллифлигида чоп этилган **«Миллий иқтисодиёт асослари»** номли янги дарсликда айни шу нуқтаи-назардан рақобатли бозор шароитида Ўзбекистон иқтисодиётининг ўзига хос асосий хусусиятлари ва муаммолари талқин қилинган.

Дарслик илмий-тадқиқий, назарий, методик ва амалий йўналишга эга бўлиб, бешта боб ва 18 та алоҳида бўлимлардан иборат. Уларда мамлакатимиз халқ хўжалиги мажмуасининг иқтисодий тавсифи ва ресурсларнинг чекланганлик муаммосига янги нуқтаи назардан фикр билдирилиб, ижтимоий ҳаёт ҳамда миллий тараққиётига таъсири аниқ мисолларда таҳлил этилади.

Мухтасар айтганда, мазкур дарслик бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида мамлакат иқтисодий асослари ҳақида тушунча беради.

**Номоз САЪДУЛЛАЕВ**


**Ташкилот ва корхоналар диққатига!**

**«Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилоят ҳудудий консалтинг маркази**

**ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:**

*— Сурхондарё вилояти М-41 «Бишкек — Душанбе — Термиз» автомобиль йўлидаги «Қизилсув» дарёсидан ўтган кўприкка бориш йўлининг 0,65 км. қисмини мукаммал таъмирлаш.*

*Қурилиш ишларини бажариш муддати — 90 кун.*

***Буюртмачи: «Сурхондарёавтойўл» йўл қурилиш ҳудудий шўъба ташкилоти.***

***Манзили:** Термиз шаҳри, Олмазор кўчаси, 42-уй. Тел/факс: 226-02-30.*

*Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

*— Термиз шаҳар, 5-кичик даҳа 1- ва 2-участкада ВЛ-04 кВли электр тармоғи қурилиши.*

*Бошланғич нархи — 144,868 млн. сўм. Қурилиш муддати — 60 кун.*

***Буюртмачи: Сурхондарё электр тармоқлари очиқ турдаги акциядорлик жамияти.***

***Манзили:** Термиз шаҳри, Ҳаким ат-Термизий кўчаси, 10-уй.*

*Тел.: 2-83-28, 2-83-25, 2-82-04.*

*Иншоотнинг қурилиш ишларини молиялаштириш — ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.*

*Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: электро-монтаж ишларини бажариш учун рухсат берувчи ҳужжат ва танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш базаси, меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.*

*Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — «Ўздавархитектқурилиш» қўмитасининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш Сурхондарё вилояти ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:*

***Термиз шаҳар, А.Темур кўчаси, 69-уй,***
***Телефон/Факс: (8-37622) 2-44-73, 2-44-76.***

*Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи — 50 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.*

*Оферталарни очиш куни ва вақтигача савдо ташкилотчиси томонидан оферталар қабул қилинади.*

*Таклифлар очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кундан кейин буюртмачилар жойлашган манзилда ўтказилади.*



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot — 136-55-05
Ma`naviyat va ma`rifat — 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 133-20-36
Parlament va huquq — 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq — 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik — 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib — 133-72-83
Reklama va e`lonlar — 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi:
Ravshan SHODIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi:
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
*Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.*

*Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.*
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
*Hajmi 2 bosma taboq.*

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 454

9213 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

O'zA yakuni —
Topshirish vaqti — 01.15.
1 2 3 4 5

Sotuvda erkin narxda



ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

бўш (вакант) доцент, катта ўқитувчи, ассистент лавозимларига битим асосида

**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**



«Касб таълими ва ўқитиш услубияти» (1), «Иқтисодиёт ва менежмент» (2), «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» (2), «Иқтисодиётда математик моделлаштириш» (1), «Нефть ва газ иши» (2), «Иссиқлик энергетикаси» (2), «Электр энергетикаси» (3) кафедралари **доцентлари лавозимларига;**

«Касб таълими ва ўқитиш услубияти» (1), «Иқтисодиёт ва менежмент» (2), «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»(2), «Нефть ва газ иши» (3), «Электр энергетикаси» (3) кафедралари **катта ўқитувчилари лавозимларига;**

«Касб таълими ва ўқитиш услубияти» (1), «Нефть ва газ иши» (2), «Электр энергетикаси» (1) кафедралари **ассистентлари лавозимларига.**

ТАНЛОВДА ҚАТНАШИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР ТАҚДИМ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ:

- *ректор номига ариза;*
- *ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
- *олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломларнинг нусхалари;*
- *илмий унвони ҳақидаги аттестат нусхаси;*
- *илмий ишлари рўйхати.*

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой муддатда қабул қилинади.**

Манзил: Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси 225,
Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти
Илмий Кенгаши котиби, тел: (8-375) 224-11-85



**Тендерная комиссия ГАЖК**

«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»

объявляет тендер № 3 на 2005 год на приобретение ниже перечисленных материалов, запасных частей и оборудования по лотам:

***Лот 1: Рельсы магистральные железнодорожные Р-65 Т1 К76Ф (М76Ф)-25-0 (без отверстий) в количестве 10000 тонн.***

***Лот 2: Крытый вагон модели 11-280 в количестве 200 единиц.***

***Лот 3: Вагон-хоппер для цемента, модели 19-758 в количестве 100 единиц.***



*За тендерной документацией обращаться по адресу: г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 7, ГАЖК «Ўзбекистон темир йўллари» Управление «Темирйўлёнилғитаъмин», комната 410*
*тел: 138-85-70, 138-84-72, 138-86-34.*

Заявки на участие в тендере принимаются в течение 30 дней со дня опубликования в средствах массовой информации.



**ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

*Андижон вилояти Балиқчи туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Илҳомжон Ибрагимов тадбиркорларга эски пахта (увада) ҳамда жун хомашёларни қайта ишловчи замонавий янги дастгоҳларни чакана ва улгуржи ҳолда келишилган нархда сотади.*

*Ушбу дастгоҳлар харидор талаб-истакларига кўра тегишли манзилга етказиб, ўрнатиб ва ишга тушириб берилади.*



**Манзил: Андижон вилояти, Балиқчи тумани, Чинобод қишлоғи, Қўрғонча маҳалласи Илҳомжон Ибрагимов.**

**Телефонлар: 8-3742, 55-76-88, 8-37432, 21-544**

*Товар сертификатланган*


«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари таҳририяти газета мухбири Шарофат Йўлдошевага укаси

**Рашид ЙЎЛДОШЕВ**нинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.